Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 133 (8123). | 15 июль, 1983 йил, | ЖУМА | Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ БИЛАН ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

1983 йил 12 июлда Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси билан Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари Жорж Марше бошчилигидаги Франция Коммунистик партияси делегацияси ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси состави: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. В. Загладин, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими секторининг мудири Ю. И. Зуевдан иборат эди.

Франция Коммунистик партиясининг делегацияси составига: Франция Компартияси Сиёсий бюросининг аъзоси, ФКП Марказий Комитетининг секретари М. Гремец, ФКП Сиёсий бюросининг аъзоси Г. Эрмье, ФКП Марказий Комитетининг аъзолари Ж. -Ф. Го ва Ж. -Ф. Мейер кирган эдилар.

Бу учрашув 1980 йилда биргаликда белгилаб олинган асосда иккала партия ўртасида ривожланаётган бирдамлик муносабатлари доирасида ўтказилди ва ўша пайтда халқаро аҳволнинг ривожланиш тенденциялари хусусида билдирилган фикрни тасдиқлади.

Иккала партия ўзларининг бутун диққат-эътиборларини бутун дунё халқларини ташвишлантираётган энг муҳим масала: тинчлик ва қуролсизланиш масаласига қаратдилар.

Музокаралар натижасида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Франция Коммунистик партиясининг делегациялари қуйидаги баёнотни қабул қилдилар:

Халқаро вазият чуқур ташвиш туғдирмоқда. Инсоният ҳозирги замон цивилизацияси учун, ер юзидаги ҳаёт учун жуда катта ҳалокатли оқибатлар келтириб чиқарадиган ядро уруши хавфи олдида турибди.

Ҳозирги вақтда содир бўлаётганидек, жуда кўп миқдордаги қурол-яроғлар, айниқса ядро қуроли тўплаб қўйилаётганлиги даҳшатли хавф келтиради, бутун инсониятнинг қирилиб кетиш хавфини туғдиради. У юз миллионлаб кишилар, шу жумладан болалар очлик, қашшоқлик, юқумли касалликлар, иқтисодий қолоқлик азобини тортаётган бир пайтда ҳаддан ташқари кўп маблағни ўлқондек сўраётганлиги ғазабини қичитирмоқда.

Бу мудҳиш кескинлик қачайшини тўхтатиш керак! Қирғинга тайёргарлик кўришга исроф қилинаётган маблағларни ҳаётга, тараққиёт ва ривожланишга хизмат қилдириш лозим! Жуда турли маслаҳатларга ва динларга мансуб бўлган тобора кўп эркаклар, аёллар, ёшлар изҳор этаётган талаб мана шундан иборат.

Жаҳон империализми энг агрессив доираларининг халқларнинг социал ва миллий озодликка чиқиш жараёнини қандай қилиб бўлмасин тўхтатиш йўлидаги уриниши тинчлик ишига таҳлика солмоқда. Уларнинг айни шу интилиши қуролланиш пойгасини хатарли равишда кучайтиришга олиб бормоқда, уларнинг жаҳон майдонидаги кучлар нисбатини ўз фойдасига ўзгартириш истагини келтириб чиқармоқда.

Бошқа сиёсий кучлар вужудга келган вазиятни ўзгача таҳлил этаётганликлари маълум. Бироқ, иккала партиянинг фикрича, бу нарса янги тинчлик учун курашда ғоят кенг социал, сиёсий ва ижтимоий кучларнинг биргаликда ҳаракат қилишлари йўлида тўсиқ бўлиши асло мумкин эмас ва бўлмаслиги керак.



СУРАТДА: суҳбат пайти. В. Мусаэльян ва Э. Песов телефотоси. (ТАСС—ЎзТАГ).

Ҳар бир қитъада яшаш ҳуқуқини, тинчлик шароитида яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилувчи беҳисоб кучлар оёққа тураётганлиги инсоният учун тарихан янги омил ва зўр имкониятдир. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Франция Коммунистик партияси бутун дунё халқларининг мислсиз кўламдаги кураши ривожланиб бораётганлигидан чуқур мамнуният изҳор этадилар. Улар комил ишонч билан тинчликни энг қимматли мулк деб ҳисоблаётган ҳар бири ўз томонидан, ўзининг холис ниятли барча аёллар ва эркаклар билан биргаликда, истак билдирган барча кучлар билан биргаликда олдиндан ҳеч қандай шарт қўймай тинчлик, қуролсизланиш, хавфсизлик, барча халқлар ўртасида дўстлик манфаатлари йўлида ҳаракат қилишга интилаверишларини тасдиқлайдилар.

Шу нуқтаи назардан 1983 йил алоҳида аҳамиятга эгадир. Башарти НАТО Америкаининг янги ракеталарини жойлаштиришни оқибат натижада мажбуран қабул қилдирадиган бўлса, бу нарса қуролланиш пойгасининг янада хатарли равишда кучайиб кетишига сабаб бўлур эди.

КПСС билан ФКП делегациялари шунга аминдирларки, вужудга келаётган вазиятда уруш хавфини орқага суриш, дунёдаги воқеаларнинг ривожини кескинликни юмшатиш сари буриб юбориш, қуролланиш пойгасини тезроқ тўхтатиш ва қуролсизланиш соҳасидаги энг муҳим, зарур вазифаларни ҳал этиш йўлларини топиш — бош масаладир. Ядровий қуролланишни кучайтиришни тўхтатиш — ҳозирги пайтдаги энг зарур талаблардан биридир.

Европада ўтмишда энг кўп вайронгарчилик ва қирғинчилик келтирган урушлар бошланганини, бу ерда жамики тирик жонни ўн марта йўқ қилиб ташлай оладиган воситалар ғамлаб қўйилганини эътиборга олиб, бу ерда янги қурол тўплаш эмас, балки, ҳозир мавжуд бўлган қурол-яроғларни қисқартиришга киришиш керак.

СССР ва Франция халқлари иккита жаҳон уруши азобини тортдилар ва оғир талафотлар кўрдилар. КПСС ва ФКП делегациялари айтадиларки, Европа яна уруш майдонига айлантирилмаслиги, айниқса ядро қуроли ишлатиладиган майдонга айлантирилмаслиги керак. Бундай эҳтимолни қатъиян соқит қилиш лозим.

Иккала делегация социалистик мамлакатлар, қўшилмаган мамлакатлар ҳаракати, бетараф мамлакатлар, Шимолий Европа мамлакатлари, тинчлик ва қуролсизланиш учун курашувчи турли сиёсий ташкилотлар қилган кўпдан кўп таклифларнинг, башарти эътиборга олинадиган бўлса, бу йўлда олға силжишга кўмаклаша оладиган таклифларнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтади.

КПСС делегацияси етти социалистик мамлакат раҳбар партия ва давлат арбобларининг яқинда Москвада бўлиб ўтган учрашувида ўртага қўйилган ҳамда Европадаги ядро қуролларини ҳам, шунингдек стратегик қуролларни ҳам қисқартиришга, қуролланиш пойгасининг космосга ёйилиш имкониятини соқит қиладиган ҳамма таклифларни яна тасдиқлади. Ядровий давлатлар ўз ихтиёрларидаги ядро қуролларини миқдор ва сифат жиҳатидан айни бир вақтда кўпайтирмай қўйишлари ёки ўйлда қўйилган катта қадам бўлур эди. КПСС делегацияси социалистик давлатларнинг 1984 йил 1 январидан бошлаб ҳарбий харажатларни кўпайтирмаслик ҳамда келгуси даврда амалий равишда ўзаро қисқартириш юзасидан конкрет чоралар кўриш тўғрисида бир битимга эришиш учун ҳеч кечиктирмай бевосита музокаралар бошлаш тўғрисида НАТОга аъзо бўлган давлатларга қилган янги таклифига эътиборни қаратди.

Иккала партия блокларни айни бир вақтда тарқатиб юбориш йўлида, ёппасига ва контрол остида қуролсизланиш йўлида ҳаракат қилишга интилаётганликларини тасдиқладилар.

Иккала партиядан ҳар бири Женевада бир битимга эришилиши манфаатлари йўлида шуни хоҳловчи ҳамма кучлар билан, барча ҳукуматлар билан, касаба союз, жамоат, сиёсат кучлари ва диний кучлар билан, барча халқлар билан биргаликда ҳаракат қилишга тайёр-дир.

Франция Коммунистик партияси Женевадаги музокараларга тўсқинлик қилинмаслигига ва бу музокараларнинг ижобий якунланишига кўмаклашишга: барча манфаатдор ҳукуматлар учун, яъни Европадаги ҳамма ҳукуматлар учун бу музокараларни очиб қўйишга қаратилган таклифни ўртага қўяр экан, мана шу мақсадни кўзлайди. Бу соҳада, ФКПнинг фикрича, кучлар мувозанатини сақлаб қолиб ҳамда ҳар бир халқ ва ҳар бир давлатнинг хавфсизлигини гарантиялаб, қуроларроларни энг қуйи даражагача қисқартиришга ҳаракат қилиб кўриш йўлида ҳаммага мақбул бўлиб тушадиган қадамлар қўйилиши мумкин бўлур эди.

Мана шу сўнгги модда юзасидан Франция Коммунистик партиясининг делегацияси Франция ўз хавфсизлиги ва мустақиллигини таъминлаш учун етарли ядровий кучларга эга эканлигини эслатиб ўтди. Бу кучларни қисқартириш хусусида музокаралар ўтказилиши мумкин эмас. Албатта, агар Европадаги ва бутун дунёдаги кучлар мувозанатини ҳамда ҳар бир мамлакатнинг хавфсизлигини таъминлайдиган тадрижий қуролсизланишга оид конкрет тадбирлар кўрилса, бу масала ўртага қўйиладиган пайт келган бўлур эди.

Айни вақтда Франция Коммунистик партиясининг фикрича, модомики Франция Шимолий Атлантика иттифоқининг аъзоси эканлиги ва шу тариқа мана шу фактдан келиб чиқадиган мажбуриятга эга эканлиги сабабли Европадаги мавжуд кучларнинг умумий ҳисобида унинг ядровий кучлари шу доирада эътиборга олиниши лозим.

КПСС делегацияси ФКП билдирган мулоҳазаларга қизиқиб қаради. У Совет Иттифоқининг маълум позициясини тасдиқлади, бу позиция Европадаги ядровий қуролларнинг тегишли балансини чиқариш вақтида Франциянинг ядро қуроллари ҳисобга олиниши кераклигидан иборатдир. Аммо бу ган Франциянинг ядро қуроллари қисқартириш тадаб қилинади, деган маънони билдирмайди.

Мадрид учрашувини тугаллаш ва аввало Европада ишонч, хавфсизлик тадбирларига ва қуролсизланишга бағишланган конференция чақириш тўғрисида бир битимга келиш муҳим ижобий натижа бўлишига иккала партиянинг ишончи комил.

Улар ҳар бир давлатнинг суверенитети, мустақиллиги, тенг ҳуқуқлилигини ҳурмат қилиш, аралашмаслик, ҳар бир мамлакатнинг хавфсизлик ҳуқуқи асосида барча можароларни сиёсий воситалар билан ҳал этишга кўмаклашишга аҳд қилганликларини яна билдирдилар.

Халқаро кескинликни юмшатиш, тинч-тотув яшашни мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш йўлидан олға бориш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилиш зарур.

Иккала делегация кўпгина ривожланаётган мамлакатлар халқларининг аянчли аҳволи тўғрисидаги масалани ҳам тилга олдилар. XX асрнинг охирларида қирқ миллион киши, шу жумладан 20 миллион гўдак ҳар йили очликдан ўлмоқда, ярим миллиардга яқин киши ёлчиб овқатланмай қийин аҳволда кун кечирмоқда. Ер юзидаги ҳарбий харажатлар давлатларнинг йўли билан ривожланаётган мамлакатларга берилаётган жами ёрдамдан йигирма баравар ошиб кетмоқда.

Инсон нафсониятини бундай таҳқирлашга чек қўйиш керак.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Франция Коммунистик партияси шу халқларнинг қўшилмаган мамлакатлар олий даражада яқинда ўтказилган кенгашида зўр куч билан янграган даъватига қулоқ солиш учун куч-ғайратларни кўпайтиришга қарор бердилар. Улар ҳозирги вақтда тараққиёт ва ривожланиш иши, миллий, социал ва инсоний озодликка эришиш иши тинчлик ва қуролсизланиш йўлидаги қатъий курашдан ажралмас эканини жуда очиқ-равшан қилиб айтадилар. Шу руҳда улар халқлар талаб қилаётганидек янги халқаро тартиб ўрнатилиши сари олға силжиш имконини берадиган кенг халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун курашмоқдалар.

Иккала партиянинг делегациялари ҳар бир халқ жамиятни ўз истагига кўра қуришда эркин эканини эслатадилар. Баъзи халқлар ҳозир ўз мамлакатларининг турли реалликларига асосланиб ва жуда хилма-хил шароитларда, шу халқлар олдида турган конкрет муаммоларни ҳал этиб, социалистик жамият қурмоқдалар. Консерватив кучлар бунга тоқат қила олмаяптилар. Улар ҳар қандай илғор ғояга қарши чиқиб, тикланиш даврини бошдан кечираётган шу жамиятларнинг ҳаққий аҳволини бузиб кўрсатишга уринмоқдалар.

Иккала партиянинг делегациялари ҳар қандай шакладаги антикоммунизмнинг ялпи тинчлик манфаатларига зид эканини айтадилар.

Империализмнинг агрессив кучлари ўз сиёсатини оқлаш учун олиб бораётган ашаддий идеология уруши ижтимоий тузумидан қатъий назар, ҳар бир халқ, ҳар бир давлат тинчликка мухтож эканлиги фактини яшира олмайди. Тинчликни, хавфсизликни, қуролсизланишни, халқлар ўртасида дўстликни таъминламай туриб тараққиётга, адолатга, демократияга, озодликка эришиб бўлмайди, инсон ҳуқуқларини гарантиялаб ва кенгайтириб бўлмайди.

Шу сабабли Франция Коммунистик партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқаро ҳамкорликнинг янги муносабатларини йўлга қўйиш учун, давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли мулоқотни ривожлантириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Француз ва совет халқлари ўртасидаги, Франция билан СССР ўртасидаги иноқлик, дўстлик, ҳамкорлик Европада ҳамда бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик ишига хизмат қилишига иккала партиянинг ишончи комил.

Бу муносабатларнинг чуқур илдизлари бор, бу илдизларни тарихнинг ўзи мустаҳкамлаган. Халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасида иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли йилларида чиниққан муносабатлар шу дамгача эришилган муҳим натижалар асосида янада ривож топиши мумкин.

КПСС билан ФКП икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги босқичида Европадаги тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари тақозо этган ёндашиш асос қилиб олиниши лозим, деган фикрни изҳор этдилар. Бу гап иккала мамлакат халқларининг манфаатларини кўзлаб ўзаро фойда олиш асосида ҳамкорликнинг мавжуд хилма-хил имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш нуқтаи назаридан икки томоннинг зарур куч-ғайратлар сарфлашини назарда тутади.

Тажриба иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий, техникавий соҳалардаги мана шундай ҳамкорлик фойдали эканини кўрсатди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Франция Компартияси бу ҳамкорликни янада қўпроқ ривожлантириш учун янги имкониятлар бор, деб ҳисоблайдилар.

Иккала партия ўз ўрталаридаги дўстлик ва интернационалистларча бирдамлик алоқалари мавжудлигидан мамнуният изҳор этдилар ҳамда ўзлари учун муштарак бўлган улуғ мақсадлар йўлидаги курашда ўзларининг самарали ҳамкорлигини мустаҳкамлаш тўғрисида аҳдлашиб олдилар.

ҒОЛИБЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1983 йилнинг биринчи ярмида чорвачиликни ривожлантириш юзасидан социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари

Қорақалпоғистон АССР,
Хоразм области,
Андижон области,
Сурхондарё областининг Ленин йўли райони,
Қашқадарё областининг Қамаши райони,
Тошкент областининг Бўка районида қолдирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари

Жиззах области,
Бухоро областининг Ғиждувон райони,
Сирдарё областининг Ворошилов райони,
Самарқанд областининг Пастдарғом районига берилди. Байроқлар Фарғона областидан, Ромитан, Арнасой ва Пайариқ районларидан олиб берилади.

Навоий область Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхози,

Фарғона область Қува районидаги К. Маркс номли колхоз,

Хоразм область Шовот районидаги «Москва» колхози,

Қорақалпоғистон АССР Қораўзак районидаги «Маданият» совхози.

Навоий область Конимех районидаги «Конимех» совхози,

Фарғона область Бувайда районидаги Дзержинский номли совхоз,

Жиззах область Дўстлик районидаги К. Раҳимов номли совхоз,

Тошкент область Калинин районидаги «Қорасув» совхози,

Тошкент областидаги Ильич номли ишлаб чиқариш бирлашмаси,

Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги Давлат комитетининг Хоразм балиқ комбинати,

Тошкент область Ўрта Чирчиқ район матлубот союзининг бўрдоқичилик хўжалиги коллективлари 1983 йилнинг биринчи ярмида чорвачиликни ривожлантириш юзасидан республика мусобақасининг ғолиблари деб топилдилар.

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга **берилди:**

Тошкент районига (район партия комитетининг секретари Толипов, район ижроия комитетининг раиси Худойберганов, район комсомол комитетининг секретари Рознев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз район комитетининг раиси Тошпўлатов, район агросаноат бирлашмаси Совети раиси Усмонова, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори Иноғомов ўртоқлар). Бу районда давлатга барча турдаги сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик плани 4-1 процент, картошка сотиш 100 процент, ҳўл мева сотиш 29 процент бажарилган.

Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхозига (директори Қозоқбоев, партия комитетининг секретари Шукуралиев, ишчилар комитетининг раиси Ҳамроқулов, комсомол комитетининг секретари Мирзақулов, бош агрономи Бобоев ўртоқлар). Бу совхозда давлатга барча турдаги сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик плани 83 процент, картошка сотиш 150 процент, ҳўл мева сотиш 31,4 процент бажарилган.

Тошкент районидаги Навоий номли колхозга (раиси Латипов, партия комитетининг секретари Алимов, касаба союз комитетининг раиси Шералиева, комсомол комитетининг секретари Дехқонбоев, бош агрономи Нишонов ўртоқлар). Бу колхозда давлатга барча турдаги сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик плани 69 процент, картошка сотиш 160 процент, ҳўл мева сотиш 32 процент бажарилган.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Тошкент районига, Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхозига ва Тошкент районидаги Навоий номли колхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

* * *

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети ғаллани ўриб-йиғиб олиш ва давлатга дон топшириш юзасидан районлар, совхозлар, колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1983 йил 5 июлгача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга **берилди:**

Оҳангарон районига (район партия комитетининг секретари Икромов, район ижроия комитетининг раиси Валиев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Давронов, район комсомол комитетининг секретари Бобожаев, район агросаноат бирлашмаси Совети раиси Матибоҳимов ўртоқлар). Бу районда давлатга дон топшириш плани 100 процент, бошоқли дон экинлари ўрим-йиғими 91 процент бажарилган ва беш кунликда давлатга дон топширишда 79,5 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Ғалаба районидан олиб берилади.

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозига (раиси Хван, партия комитетининг секретари Пак, касаба союз комитетининг раиси Пак, комсомол ташкилотининг секретари Ким ўртоқлар). Бу колхозда давлатга дон топшириш йиллик плани 100 процент бажарилган ва беш кунликда давлатга дон топширишда 79,5 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан олиб берилади.

Ғалаба районидаги Киров номли ўқув хўжалигига (директори Дуйсебеков, партия комитетининг секретари Одилов, касаба союз комитетининг раиси Геречникина, комсомол ташкилотининг секретари Эгамбердиев ўртоқлар). Бу хўжаликда давлатга дон топшириш йиллик плани 100 процент бажарилган ва беш кунликда давлатга дон топширишда 75,5 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Бекобод районидаги «Далварзин» совхозидан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Оҳангарон районига, Ғалаба районидаги Киров номли ўқув хўжалигига ва Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

СССР ВДНХ МУКОФОТЛАРИ

СССР ВДНХ Бош комитетининг қарори билан 1982 йил якунларига кўра қуйидаги хўжаликлар мукофотландилар:

Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз — Фахрий Диплом ва мукофотга «КАВЗ» автобуси.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз — II даражали Диплом ва мукофотга «УАЗ-449б» автомашинаси.

Пискент районидаги Свердлов номли колхоз — II даражали Диплом ва мукофотга «УАЗ-449б» автомашинаси.

СССР ВДНХ Бош комитетининг қарори билан пахта ва сабзавот етиштиришда эришган юксак кўрсаткичлари учун мукофотландилар:

Қиличов Исмоил — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи, Фахрий Диплом ва «Москвич-412» автомашинаси билан.

Йўлдошев Тўйчи — Калинин районидаги «Хасково» совхози сабзавотчилик бригадасининг бошлиғи, Фахрий Диплом ва «Москвич-412» автомашинаси билан.

СССР ВДНХ Бош комитетининг қарори билан қишлоқ хўжалигида техникадан юксак самарали фойдаланганлиги учун мукофотландилар:

Болтаев Жолгас — Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг тракторчи-машинисти, Фахрий Диплом ва «Москвич-412» автомашинаси билан.

Илашев Қурбонбой — Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозининг тракторчи-машинисти, Фахрий Диплом ва «Москвич-412» автомашинаси билан.

БИР МИЛЛИОН СЎМЛИК ФОЙДА

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати рационализаторлар ва ихтирочилари 1983 йилда юксак марраларни белгилашган. Шунинг диққатга сазоворки, ярим йил якунлари белгиланган планлар тўла бажарилишига умид боғлаш имконини беради. Ўтган ойлар ичида саноат-темирйўл транспорт корхонасининг электр пайвандчиси Х. Абдуллаев, инженер М. Колотий, мис эритиш заводининг бош механиги Л. Носко, цех бошлиқлари А. Муслимов, И. Гренцлар комбинатнинг энг илғор рационализаторлари деб топилдилар. Ана шу изланувчан ишчи-хизматчиларнинг киритган 500 та таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилгач камн билан 1 миллион сўмлик иқтисодий самара кўрилиши кутилмоқда.

ХАЛҚ НАЗОРАТИ ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Тошкент область халқ контроли комитетида бўлиб ўтган йиғилишда шаҳар ва район халқ контроли комитетларининг раислари иштирок этдилар. Йиғилишда Тошкент шаҳар ва унинг районлари халқ контроли комитетлари раислари ҳам қатнашдилар.

Йиғилишда халқ контроли органлари ярим йиллик фаолияти якунлари муҳокама қилинди ва КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари талаблари асосида назоратни янада такомиллаштириш, унинг таъсирчанлигини ошириш тадбирлари белгиланди.

Йиғилиш қатнашчилари текширувлар ўтказиш бўйича тўпланган тажрибаларни ўзаро ўртоқлашдилар.

Йиғилишда Тошкент область халқ контроли комитети раиси Б. С. Камолов нутқ сўзлади.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ

АХБОРОТИ

1983 йил 10 июлда 139-Қорахитой сайлов округи (Оҳангарон райони), 272-Янгиобод сайлов округи (Оржоникидзе райони) ва 331-Калинин сайлов округи (Ўрта Чирчиқ райони) бўйича халқ депутатлари область Советига сайловлар бўлиб ўтди.

Уччала сайлов округи бўйича сайловчилар рўйхатига жами 7587 сайловчи киритилган эди, улар овоз беришда тўла иштирок этдилар ва халқ депутатлари область Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар учун 100 процент овоз бердилар.

Область Советига депутатликка: 139-Қорахитой сайлов округи бўйича «Оҳангарон» совхозининг ишчиси Ҳакимова Роза Усвалиевна; 272-Янгиобод сайлов округи бўйича Р. Мусамухаммедов номли совхоз-завод ишчиси Эргашева Йўри Ҳамидовна; 331-Калинин сайлов округи бўйича Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари Плотников Виктор Александрович сайландилар.

ПАРТИЯ ҲАЁТИНИНГ ҚОНУНИ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ленин район партия комитети ўтказган илмий-амалий конференция «КПСС Устави — партия ҳаётининг қонуни» деган темага бағишланди. Конференция учун бу мавзунинг танланиши бежиз эмасди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ленин район партия ташкилоти коммунистлари томонидан КПСС Устави талабларига қандай риоя этилаётганлиги тўғрисидаги масаланинг қараб чиқиши шу конференцияни ўтказишга ундади.

Районда КПСС Устави талабларига риоя этиб ҳаётий актив позицияда турган, ўз зиммасидаги ишлаб чиқариш ва жамоат топшириқларини шараф билан бажараётган коммунистлар оз эмас. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчиси Зинаида Лебедева, В. И. Ленин номли электрон-техника заводи созловчиси Анвар Муҳаммедов, «Ташхимсельмаш» заводи токари Анатолий Юрагин каби коммунистлар номи районда машҳурдир. Минг-минглаб коммунистлар ўз номларига муносиб иш тутмоқдалар. Улар кўпгина ташаббусларнинг ижодкори бўлмоқдалар, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш юзасидан бошланган мусобақада ҳамиша олдинги сафларда келмоқдалар.

Конференцияда партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини янада такомиллаштиришнинг актуал проблемалари тўғрисида доклад қилган район партия комитетининг иккинчи секретари Х. К. Муҳиддинов актив коммунистлар номини алоҳида тилга олди. Улар ҳиссаси билан районда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш олти ойлик плани муваффақиятли бажарилди.

Лекин айрим коммунистлар раҳбарлик қилаётган бригада, цех, корхоналарнинг мунтазам план топшириқларини бажармай келаётганлиги кишини афсуслантиради. Қолоқлар орасида каноп фабрикаси, картон заводи, Тошкент химия-фармацевтика заводи каби корхоналар бор. Бу корхоналарнинг партия ташкилотлари, коммунистлари меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш, мавжуд резервларни ишга солиш устида кам қайғурмоқдалар.

Район бўйлаб ўтказилган текширув давомида айрим коммунистлар КПСС Устави қоидаларини қўпол равишда бузганликлари маълум бўлди. Уларга нисбатан тегишли жазолар берилди. Эндиликда район партия ташкилоти бундай кўнгилсиз ҳолларнинг келиб чиқмаслиги учун курашяпти.

Конференцияда сўзга чиққан В. И. Ленин номли электрон-техника заводи партия комитетининг секретари У. Худойберганов, «Гордорстройремонт» трести партия комитетининг секретари А. Эгамбердиев, экспериментал автокорхона партия комитетининг секретари А. Г. Мильский ва бошқа ўртоқлар партия демократиясини ривожлантириш, коммунистларни партия топшириқлари бериб тарбиялаш ва уларнинг авангардлик ролини ошириш, ижрони текшириш бўйича ўз коллективларида тўпланган тажрибалар ҳақида гапирдилар.

Партиявий ишларни намунали йўлга қўйиш, идеология, оммавий-сиёсий ишлар самарадорлиги кўп жиҳатдан кадрларга боғлиқдир. Бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик қилаётган кадрларнинг 96 проценти олий ва тугалланмаган олий маълумотга эгадир. Конференция қатнашчилари секретарлар сифат составини яна ҳам яхшилаш, улар обрўсини ошириш зарурлигини уқтирдилар.

Коллектив ўртасида олиб борилаётган тарбиявий, ғоявий-сиёсий ишларга раҳбар кадрларни ҳам тортиш мақсадга мувофиқдир. Районда тарбиявий ишларни хўжалик ишлари билан боғлаб олиб бораётган раҳбар кадрлар оз эмас. Улар тажрибасини ҳар жиҳатдан оммалаштириш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бинобарин, КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми ҳам шуни талаб қилади.

Конференция тингловчиларнинг тўла активлигида ўтди. Сўзга чиққан нотиқлар ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишларни янада такомиллаштиришга, коммунистларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишга, уларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ёрдам берувчи кўпгина фойдали таклифларни ўртага ташладилар. Конференция берган тавсияларда партия ташкилотларининг бундан буён бажаришлари лозим бўлган вазифалари аниқ ва равшан белгилаб берилди.

КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

Совет касаба союзлари, мамлакатнинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорларини яқдиллик билан маъқуллаб, қабул ва қизғин қўллаб-қувватламоқдалар, уларни жанговар иш программаси сифатида қабул қилмоқдалар. ВЦСПСнинг 13 июль куни Москвада бўлиб ўтган Пленуми қатнашчилари шу ҳақда гапирдилар.

Касаба союзларининг КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларидан ва ўртоқ Ю. В. Андропов Пленумда сўзлаган нутқдан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

ВЦСПС раиси С. А. Шалаев докладида, нутқларда айтиб ўтилдики, касаба союзлар хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги катта имкониятлардан тўлароқ фойдаланишлари керак. КПСС Марказий Комитетининг «Оғир машинасозлик ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг иши тўғрисида»ги қарорида бу нарса алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Меҳнат коллективларида ҳар бир ходимга нисбатан юксак жавобгарлик ва талабчанлик вазиятини, интизомсизлик ва хўжасизликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Меҳнат интизомини янада яхшилашга, халқ хўжалигида кадрлар қўнимсизлигини камайтиришга қаратилган қўшимча тадбирларни амалга ошириш мақбул деб топилди.

Пленум «Меҳнат коллективлари ҳамда уларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида» СССР Қонуни қабул қилиниши муносабати билан касаба союз ташкилотларининг вазифаларини ҳам муҳокама қилди.

Қонун Коммунистик партиянинг социалистик демократияни муттасил ривожлантириб бориш, гражданларнинг меҳнат ва социалистик активлигини юксалтириш, халқ фаровонлигини янада ошириш тўғрисидаги ғамхўрлигининг янги ёрқин ифодаси бўлганлиги айтилди. Қонун ҳар бир совет кишиси ўзини мамлакатнинг меҳнатчиси, хўжайини, коммунизм учун актив курашчиси сифатида энг яхши тарзда намоён этмоғи учун қулай шароитлар вужудга келтиради.

Меҳнаткашлар умумий йиғилишлари ва конференцияларини ташкил этишни тубдан яхшилаш ва уларнинг таъсирчанлигини ошириш, коллектив шартномалар ролини кучайтириш, иқтисодий ва социал тараққиётни планлаштиришда меҳнат коллективларининг янада актив қатнашиши юзасидан хўжалик раҳбарлари билан биргаликда чоралар кўриш муҳимлиги тўғрисида гапирилди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари Е. З. Разумов қатнашдилар.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ — ХАСКОВО:

МУСОБАҚА ДЎСТЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Яна 28 ишчи — Тошкент область ва Болгария Халқ Республикаси Хасково округининг ишлаб чиқариш илғорлари ўзаро мусобақалашиш шартини тузидилар

ЎТГАН йилнинг охирларида Ўзбекистон ва Болгария Халқ Республикасида шонли сана — Тошкент области ва Хасково округи ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорликнинг 20 йиллиги нишонланди. Тошкентликлар ва хасковоликларнинг дўстона ҳамкорлиги, уларнинг ишчанлик руҳидаги мулоқоти узоқ йиллар давом этиб келаётган совет-болгар халқлари қардошларча ҳамкорлигининг яна бир ёрқин намунасидир.

Хасково округи меҳнаткашлари кейинги йилларда қўлга киритган муваффақиятлар Тошкент области билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги туфайли эканлигини болгариялик дўстларимиз мамнуният билан таъкидламоқдалар. Ўз навбатида тошкентликлар ҳам болгар дўстларидан кўпгина фойдали тажрибаларни ўргандилар.

Айни пайтда Хасково округи билан алоқаларимиз серқирра бўлиб, у ҳар томонлама ривожлантириб борилмоқда. Бу алоқалар дўстлик ришталарини мустаҳкамламоқда ва ҳар иккала томон учун катта фойда келтирмоқда. Хўжалик ва маданий қурилиш ишида халқларимиз олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаяпти.

Тошкентликлар ва хасковоликларнинг бу ҳамкорлигида айниқса ишлаб чиқариш коллективларининг алоқалари алоҳида аҳамиятга эгадир. 50-йилларнинг бошларидаёқ Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва мутахассислари Болгария индустриясининг қалдирғочларидан бири бўлмиш Димитровград химия комбинатининг қурилиши ва ишга туширилишига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Хасково округига сафар қилган эдилар. Кимёгарларнинг дўстона алоқаси, уларнинг ишчанлик руҳидаги мулоқотлари йилдан-йилга такомиллашиб ажойиб самаралар беряпти.

«Аҳангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Димитровграддаги «Вулкан» цемент заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати ва Жэко Димитров номли Хасково тўқимачилик комбинати, «Главташкентстрой» ва Хасково қурилиш-монтаж бўлинмаси, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми ва капитан Андреев номли давлат хўжалиги, Калинин районидаги «Хасково» совхози ва Хасководаги «Назарбек» хўжалиги коллективлари ўртасида азалдан дўстлик алоқалари ўрнатилгандир.

Ўзбек ва болгар меҳнаткашлари ўртасидаги социалистик мусобақа ажойиб самаралар беряпти. Масалан, тўқимачилик саноатида нафақат корхоналар, цехлар мусобақалашмай, балки айрим ишчилар ҳам ўзаро меҳнат беллашуви шартларини тузганлар. Ўтган болгар беш йиллигида 20 йиллик нормани бажарган таниқли болгар тўқувчиси, Болгария Халқ Республикасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Иванка Гинева ҳаммага яхши таниш. У Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишлаб чиқариш илғорларидан бўлмиш Дилбар Қулматова билан мусобақадош.

Ўтган йили Ангрендаги 9-шахта кон ишчилари бригадаси бошлиғи, уччала даража «Шахтёр шуҳрати» нишони кавалери Абдураҳмон Маматов ва Христо Смирненский номли Димитровград «Марбас» кон-энергетика комплекси бригадасининг бошлиғи, Болгария Халқ Республикасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ради Станчев ўз коллективлари номидан социалистик мусобақа шартларини тузган эдилар.

Тошкент область ва Хасково округ касаба союзлари Совети меҳнат коллективларининг алоқаларини мустаҳкамлаш, Тошкент области ва Хасково округи меҳнаткашлари ўртасидаги социалистик мусобақани ривожлантириш юзасидан катта ишларни амалга оширмоқдалар. Делегацияларни мунтазам у ёки бу республикаларга юбормоқдалар. Шунингдек, социалистик мусобақа ғолиблари учун мукофотлар таъсис этилди. Ҳар йили Хасково округининг иккита энг яхши ишлаб чиқариш коллективига Тошкент область касаба союзлари Совети таъсис этган Қизил байроқлар топширилади. Хасковога ишлаб чиқариш илғорлари ва меҳнат зарбдорлари учун 50 та фахрий ёрлиқ ва нишонлар жўнатилади. Айни пайтнинг ўзида Тошкентнинг энг яхши ишчилари Хасковода таъсис этилган мукофотларни олишга муваффақ бўладилар.

Областимизнинг касаба союз активлари Ўзбекистонга Хасково округ касаба союз Советининг раиси Лазар Рандев бошчилигидаги делегация келганлигини яхши эслайдилар. Ўша кезларда составида хармончилик машҳур тўқувчи Иванка Гинева ҳам бўлган делегация Тошкент тўқимачилик комбинати ҳамда областимизнинг бошқа саноат корхоналари ишчилари билан учрашувлар ўтказиши ўзбек ва болгар меҳнаткашлари ўртасида мусобақанинг янги формасининг қарор топишини таъминлади: турдош касблар бўйича сиртқи социалистик мусобақалар авж олди.

Ниҳоят Тошкент области ва Хасково округи касаба союзлари вакилларининг янги учрашуви бўлиб ўтди. Бу гал учрашув меҳмондўст Хасково ўлкасида ўтказилди. Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси А. В. Браилов бошчилигидаги тошкентликлар делегацияси турдош касблар бўйича ўтказиладиган сиртқи социалистик мусобақалар оммавий тус олиши учун, мусобақага халқ хўжалиги турли тармоқларининг вакилларини жалб қилиш учун нималар қилиш кераклиги хусусида маслаҳатлашиш мақсадида Болгарияга келди.

Делегациямиз Болгария Халқ Республикасида меҳмон бўлиб турган бир пайтда 14 ишлаб чиқариш илғори Тошкент областининг 14 ишчисини сиртқи социалистик мусобақага чақирдилар.

Хасково химия машинасозлиги комбинатининг слесари Кристю Хаджиангелов ва шу корхонанинг пайвандчиси Стоян Хаджипетров «Узбекхиммаш» заводи қозончилар бригадаси бошлиғи Юрий Фадин ва шу корхона чарҳловчиси Аваз Йўлдошевни, Димитровград химия комбинатининг аппаратчиси Иванка Динева Олмалиқ химия заводининг оператори Лариса Михеевани, Димитровграддаги «Вулкан» цемент заводи комплекс бригадаларининг бошлиқлари Петр Дуков ва Дончо Маргаритовлар «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси машинистлари Зокир Қораев ва Вячеслав Кочетковни, Хасково уйсозлик комбинати технологик бригадасининг раҳбари Пенчо Георгиев Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати 31-қурилиш бошқармаси бетончиси Тожимахамад Жалиловни, Хасководаги Жэко Димитров номли тўқимачилик комбинатининг ишчиси Иванка Мочукова Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Евгения Губинани, Хасководаги «Мир» тўқимачилик фабрикасининг ишчиси Делка Янчев Тошкентдаги «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-мотористкаси Валентина Александровани, Хасково сут заводи мастери Желязко Господинов Тошкент сут маҳсулотлари бирлашмаси бош корхонасининг смена мастери Рамзия Муртазинани, Хасково вино саноати технологи Димитр Михов «Ташкентвино» комбинати цех бошлиғи Абдулазиз Самиғовни, Хасково гўшт комбинатининг мастери Георгий Чанков Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси колбаса цехининг катта мастери Асатулла Саидхўжаевни, Димитровград аграр саноат комплексининг механизатори Баню Тонев Ғалаба районидаги Димитров номли колхоз механизатори Зулфиқор Амирқуловни, Димитровград аграр саноат комплексининг сут соғувчиси Нанка Георгиевна «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг сут соғувчиси Фануза Бекқуловани, Хасково шаҳридаги кооператив магазин директори Мария Бутракова Паркент район матлубот жамиятига қарашли 23-магазин мудири Марҳамат Ёқубованы социалистик мусобақага чақирдилар.

Яқинда Тошкент область касаба союзлари Советида хасковолик ҳамкасблари томонидан мусобақага чақирилган область илғорлари, касаба союз активлари тўпландилар.

Хасково округида бўлган касаба союз делегациясининг ишлари ҳақида делегация раҳбари, Тошкент области касаба союзлари Советининг раиси А. В. Браилов ҳисобот берди.

Хасковолик ишлаб чиқариш илғорлари билан сиртқи мусобақага киришган тошкентликлар ўзларининг янги, оширилган мажбуриятлари ҳақида гапириб бердилар. Улар ўз меҳнатлари билан, хасковолик ҳамкасбларига ёрдам беришлари орқали совет — болгар дўстлигини янада мустаҳкамлашга эришишга, уларнинг ҳар бир меҳнат ғалабалари мамлакатимиз экономикасини янада ривожлантиришга хизмат қилишига — рус, ўзбек ва болгар халқлари, ер юзининг барча кишилари манфаати учун, тинчлик учун хизмат қилишга интилажакларига тўпланганларни ишонтирдилар.



Областимиз меҳнаткашлари хасковолик ҳамкасблари билан сиртдан мусобақалашиб турли соҳаларда қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Пастдаги суратда ана шу социалистик мусобақа илғорларидан бир группасини кўриб турибсиз.

Хасководан юборилган суратда эса (юқоридаги) «Средазуголь» комбинатига қарашли Ангрендаги 9-шахта ишчиси, III Даражали «Шахтёр шуҳрати» нишони кавалери Абдураҳмон Маматов ва димитровградлик шахтёр, Болгария Халқ Республикаси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ради Санчевларнинг дўстона учрашуви тасвирланган. Улар бир неча йиллардан буён ўзаро мусобақалашиб келадилар.



ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

АФҒОНИСТОН-ПОКИСТОН МУЗОКАРАЛАРИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КОБУЛ, 13 июль. (ТАСС). Афғонистон Демократик Республикаси Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Г. С. Юреш Бахтар агентлигига баёнот бериб, АДР ташқи сиёсатининг баъзи жиҳатларига ҳамда БМТ Бош секретарининг шахсий вакили Д. Кордовес орқали Женевада бўлиб ўтган Афғонистон-Покистон музокараларининг якунларига тўхталди.

Томонлар, деди Г. С. Юреш, шу музокаралар чоғида Афғонистон Демократик Республикасининг ишларига аралашишни тўхтатиш ҳамда келгусида яна шундай аралашувни бошламаслик масаласини муҳокама этишга алоҳида эътибор бердилар. Музокараларда муайян силжишга эришилди. Афғонистон делегацияси АДР ташқи сиёсатининг принципларига мувофиқ ҳамда проблемалар музокаралар олиб бориш йўли билан сиёсий бартараф этилишига эришиш мақсадида яхши ниятда эканлигини намоён этди, масалага реал қараб, зарур ҳозиржавоблик кўрсатди. Музокараларда олға қадам ташланди дейиш мумкин.

Ҳозирги мулоқот ва музокаралар ҳеч тўсиқсиз ўтганида эди, яқин келажакда Афғонистон билан Покистон ўртасида мавжуд проблемаларни тезроқ бартараф этишга эришиш йўлида бевосита музокаралар ўтказиш имконияти вужудга келган бўлур эди.

АДР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари манфаатдор мамлакатлар доиралари билан музокаралар жараёнини давом эттириш ва алоқаларни кенгайтириш мақсадида қарор қабул қилинганлигини айтди. БМТ Бош секретарининг вакили набатдаги музокаралар давирасида келгусида кўпроқ ҳамжиҳатликка эришиш учун яқин фурсатда Кобул, Исломобод ва Теҳронга боради.

Г. С. Юреш таъкидлади, АДР билан Покистон ўртасида музокаралар бошланиши биланоқ Америка Қўшма Штатлари бошчилигидаги империалистик кучлар шу музокараларда силжиш бўлишига эришиш йўлига ҳар хил баҳоналар билан тўсиқлар қўйишга уринмоқда. Афғонистон контрреволюциясига қурол-яроғ юборишни кўпайтириш ва айниқса Америка давлат секретари Шульцнинг яқинда Покистонга қилган визити шундан яққол далолат бериб турибди. Визит чоғида давлат секретари Пешовардаги Афғонистон аксилинқилобчиларини тайёрлаш лагерини бориб кўрди. Шуларнинг ҳаммаси Америка империализмни Афғонистон халқига қарши эълон қилинмаган урушни давом эттириш, регионда кескинликни кучайтириш, АДР билан Покистон ўртасидаги музокараларда муваффақиятга эришиш йўлига қаршилик кўрсатиш учун турли куч-ғайрат сарфлашниятида эканлигини кўрсатади.

Г. С. Юреш айтдики, империализм ва реакциянинг қўпорувчилик ишларига қарамай, АДР Афғонистон теварагидаги проблемаларни бартараф этиш, қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш ва мустаҳкамлашга қаратилган тинч ҳаракатларни давом эттирабериши ва бу ишлар регионда тинчликни таъминлашга ёрдам бериши мумкин.

ОММАВИЙ ЮРИШГА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 11 июль (ТАСС). Қўшма Штатларда Америка жамоатчилигининг 27 августга мўлжалланган Вашингтонга оммавий юришга тайёргарлик кўрилмоқда. Оммавий юриш негрларнинг таниқли раҳбари Мартин Лютер Кинг бошчилигида Америка пойтахтига тарихий юриш ўтказилган кунининг йигирма йиллигига бағишланади. Ҳозир бутун мамлакатда Рейган маъмуриятининг халққа зид сиёсатига қарши бундай мисли кўрилмаган миқёсдаги намойишни ташкил этиш комитетлари тузилиб, унинг қатнашчилари фондига маблағ тўпланмоқда.

Жамоат, касаба союз, диний ташкилотлар, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари намояндаларининг Сант-Луис шаҳрида ўтган конференцияси Вашингтонга юриш ўтказишга тайёргарлик кўриш борасидаги муҳим тадбир бўлди. Бундай тадбирларда ирқий ва сиёсий жабр-зулмга қарши кураш миллий иттифоқи, «инсониятни сақлаб қолиш йўлидаги сафарбарлик», ядро қуролларини кўпайтирмаслик учун кураш миллий кампанияси каби ташкилотлар фаол қатнашмоқда.

Қўшма Штатлардаги энг катта шаҳар — Нью-Йорк жамоат ташкилотлари ҳам Вашингтонга бўлажак юришга актив ҳозирлик кўрмоқдалар. Шаҳарда «Виждонлилар янги уюшмаси» ташкилоти тузилди.



Никарагуанинг Панкасан қишлоғида деҳқонларга ер бериш муносабати билан тантанали митинг бўлиб ўтди. Панкасан ва унинг атрофидаги аҳоли 12 минг мансан (1 мансан — 0,7 гектарга тенг) ердан бепул фойдаланиш ҳуқуқини олди.

Суратда: Ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи диплом олган никарагуалик деҳқонлардан бир группаси.

Г. НАДЕЖДИН фотоси. (ТАСС).

«ЯДРО ТЕЛБАЛИГИГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН!»

ЛОНДОН, 13 июль. (ТАСС). Лондондаги Александр боғида «Ядро уруши — бу ялпи фалокат», «Ядро телбалигига чек қўйилсин!», «Бизга уруш эмас, тинчлик керак!» деган шиорлар ёзилган плакатлар ва транспарантлар пайдо бўлди. Ана шу плакат ва транспарантлар билан ёнма-ён ўрнатилган палаткаларда урушга қарши ҳаракатнинг инглиз қатнашчиларидан «Тинчлик лагерини» тузган 20 дан кўп киши жойлашди. «Биз М. Тэтчер бошлиқ консерваторлар ҳукуматининг ядровий қуролланиш пойгасини янада ҳам авж олдиришдан иборат хатарли режаларига қарши норозилик билдирамиз!» — деди лагерь ташкилотчиларидан бири «Морнинг стар» газетаси мухбири билан суҳбатда. Консерваторлар ҳукуматининг Англия ерларида Американинг ўрта оралиқка учириладиган янги ракета-ядро қуролларини жойлаштириш ҳусусидаги ниятлари, деди у, инглизларда айниқса ташвиш туғдирмоқда. Инглизларга ҳам, бошқа халқлар сингари ядро уруши эмас, балки тинчлик зарур, деб таъкидлади «тинчлик лагери»нинг вакили.

«Морнинг стар» газетасининг таъкидлашича, Александр боғида бу лагернинг ташкил этилганлиги бежиз эмас. Бу тадбир, деб ёзади газета, консерваторлар ҳукуматининг «ядро можароси юз берган тақдирда қурбонларни ялпи кўмиш учун» Лондон боғларидан фойдаланиш режаларига берилган жавобдир.

"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

Газетамизнинг 10 июнь сонида босилган «Ғалла ўримига шаймисиз?» сарлавҳали мақолада бошқа районлар қатори Коммунистик районидаги хўжаликларда ғалла ўримида ишлатиладиган техника воситалари мавсумга тахт эмаслиги танқид қилинган эди. Мақола юзасидан Халқ депутатлари Коммунистик район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ И. Лидан олинган жавобда шундай дейилади:

«Мақолада кўрсатилган камчиликлар бартараф этилди. Шу кунларда ҳамма комбайнлар тўла қувват билан ишламоқда. Уларни даланинг ўзида жорий ремонт қилиш учун кўчма устахона ташкил қилинди, малакали мутахассислар билан таъминланган».

РЕДАКЦИЯДАН: Область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича давлат инспекцияси ҳамда «Тошкент ҳақиқати» ўтказган қўшма рейди даврида областимизнинг Коммунистик районидан ташқари Бўка, Ғалаба, Паркент, Ўрта Чирчиқ районларида ҳам ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик ишларида жиддий камчиликлар мавжуд эканлиги кўрсатиб ўтилган эди. Лекин номлари тилга олинган район раҳбарлари ғалла ўрим-йиғимни тугатишига саноқли кунлар қолишига қарамай ҳануз редакцияга жавоб бермаётирлар.

Газета мазкур районларда танқидий мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қандай чоралар кўрилганлиги тўғрисида жавоб кутади.

Газетанинг 17 май сонида босилган «Малака, пухта билим — хавфсизликка кафолат» сарлавҳали мақолага область ҳунар-техника таълими бошқармасининг бошлиғи ўртоқ О. Мусаевдан жавоб олинди.

Унда областдаги барча ҳунар-техника билим юртларининг раҳбарлари иштирокида мақола муҳокама қилинганлиги айтилади. Муҳокамада газета тўғри масалани кўтарганлиги қайд қилинади. Ҳунар-техника билим юртларида тайёрланаётган бўлажак шоферларнинг аксарияти имтиҳонга борган маҳалларда ёмон баҳолар олаяпти. Бу камчиликларни бартараф этиш учун қатор тадбирлар белгиланган. Жумладан, областдаги шоферлар тайёрлайдиган техника билим юртларида «С» категориядаги шоферлар тайёрлаш учун қўшимча жиҳозлар ажратилган. Шунингдек, қатор билим юртлари юқори малакали мутахассислар билан таъминланган.

КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми қарорларини амалга оширамиз

БУТУН КУЧ — СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШГА!

Ғўза парваришини қандай ташкил этмоқдамиз?

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА йилйилга ўхшамайди. Иш осон кўчган йиллар кам бўлган. Аксинча пахтакор оғир дамларга кўп дуч келган. Бундай кезларда табиатдан эҳсон кутиб ўтирган деҳқон панд еб қолиши ҳеч гап эмас. Узоққа бормайлик. Бу йилги бажарилган ва амалга оширилаётган ишларга бир бор назар солайлик.

Аввало, баҳор биз учун ноқулай келди. Дастлаб ёғингарчилик бўлиб ер сувга тўйди. Чигит сифатли тайёрланган майдонларга ўз вақтида экиб олинди. Сўнгра кутилмаганда иссиқ, қурғоқчилик кунлари бошланди. Кўп ерлардаги чигит тупроқ остида унмай ётаверди. Бундай шароитда дарҳол қўшимча тадбирлар белгиладик. Бутун ҳаракат чигитни сифатли ундириб олишга, ёш ниҳолларни ҳар хил касалликларга чалинишдан сақлаб қолишга қаратилди. Ўз вақтида кўрилган тадбирлар туфайли асосий майдондаги чигитлар ер намига ундириб олинди. Қолган карталардаги уруғлик сув билан чиқарилди.

Баъзилар асосий вазифа чигитни экиш ва ундириб олишдан иборат, қолгани осон дейишади. Бу нотўғри фикр. Ғўза кун санайдиган ва иссиқсевар ўсимлик. Шунинг учун унинг ривожини тезлаштиришга, ҳар бир агротехник тадбирни юксак сифатли ўтказишга катта эътибор бердик. Агар ғўзанинг илдизи жойлашган ердаги тупроқ юмшоқ бўлса экин ҳаводан, иссиқдан ва солинган ўғитлардан яхшироқ баҳраманд бўлиб, яйраб ўсади. Бордию, ўсимлик тупрокда кисилиб қолса бўйи ҳам ўсмайди, ривожи ҳам сустлашади. Биз буни ҳисобга олдик.

Ҳосил кўчатдан олинади. 1180 гектар ернинг ҳар гектарида 130 минг тупдан кўчат бўлишини таъминладик. Бу «Тошкент-6» навли ғўза учун нормал қалинликдир. Шундан кейин пешма-пеш ғўза қатор ораларига ишлов беришни бошлаб юбордик. Биринчи культивацияни 6—7 сантиметр чуқурликда, енгил ўтказдик. Агар шундай қилинмаганда ёш ғўза ниҳолларини тупроқ кўмиб кўйиши ёки шикастлантириши мумкин эди.

Биз бир неча йилдан буён ғўзага дастлабки ишлов беришда кетмондан ҳам кенг фойдаланяпмиз. Баъзи мураккаб карталарда унинг самараси катта бўлади. Масалан, бу ерларда тўғридан-тўғри механизмлар ёрдамида культивация ўтказилганда ёш ниҳолларнинг томирлари узилиб кетиши ҳоллари учраб туради. Бундай вазиятда кетмондан эҳтиётқорлик билан фойдаланишнинг аҳамияти катта.

Сўнгра биринчи сувгача барча майдонлардаги ғўза қатор ораларига яна бир бор яхшилаб ишлов берилди. Минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирдик. Шундай қилинганда ниҳоллар ривожи жадаллашди. Гўнг ва культивация тупроқни майин қилиб қиздирди. Бунинг ғўзага фойдаси катта бўлди.

Сувдан кейин деҳқонларимиз олдида яна бир мураккаб вазифа турарди. Бу экинни ўтдан тозалаш эди. Баҳорда экиш олдидан бегона ўтга қарши сепилган гербицид тупроқда намнинг йўқлиги оқибатида таъсири яхши бўлмади. Ўт ҳаддан ташқари кўп чиқди. Ўтни йўқотиш учун колхозимизда умумий сафарбарлик эълон қилдик. Ўтоқдан чиқарилган карталарга ОВХ-14 аппаратларида пешма-пеш ширага қарши препаратлар сепилди. Бу орада иккинчи культивацияни нормал чуқурликда давом эттирдик. Натижада ниҳоллар ўзини тутиб олди.

Ҳозир мўл ҳосил учун курашнинг энг масъулиятли давридир. Буни яхши тушунган колхозимиз заршунослари бутун кучни ғўза парваришига қаратмоқдалар. Биринчи навбатда ғўзаларни чилла сувига қондириш, озиқлантириш, ишлов бериш каби тадбирларни ўз вақтида ва юксак сифатли бажарики кун сувдан қолса шонаси ва гулини тўкиб юборади. Хўжалигимизнинг Остонақул Нишонов, Кенжабой Дуйсенов, Салим Тошхўжаев, Зулфиқор Пўлатов, Замон Каримқулов, Азамат Юсупов сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган сувчилар группаси кеча-кундуз дала кезиб ниҳолларни об-ҳаётга қондирмоқдалар. Уларга колхоз бош мироби Абдужаббор Усмонов ўз вақтида кўрсатмалар бериб бормоқда.

Тупроқда намни узоқроқ сақлашда культивациянинг роли катта. Биз ғўза қатор ораларига ишлов беришнинг энг мақбул муддатларда ўтказилишини таъминлаймиз. Механизаторларимиз суғоришдан кейин тупроқнинг қотиб кетишига асло йўл қўймайдилар. Акс ҳолда ғўзанинг илдиз системасига ҳаво кириб, уни зарарлантиради. Шунингдек, культивацияни муддатидан эрта ўтказиш ҳам ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Акром Бегалиев, Мамат Исроилов, Нормуҳаммад Ҳолжонов, Эргаш Рисбоев, Зариф Мирзаев сингари механизаторлар бағрида ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишяпти.

Кейинги кунларда ҳарорат анча кўтарилди. Бу ғўзаларнинг мижозига мос келмоқда. Айни пайтда зараркунанда ҳашаротлар ҳам ривожланмоқда. Уларга қарши кураш кечиктириб бўлмайдиган вазифа. Ҳар бир бригадага назоратчилар ажратилган. Улар доимо карталарни текшириб юришади. Мабодо ҳашарот борлиги аниқланса, дарҳол хабар беришади. Шу картага ва атрофига ОВХ-14 аппаратларида зараркунандаларга қарши дендробатцилин, тиодан препаратлари гектарига 2—2,5 килограмм ҳисобидан сепилмоқда.

Бу йил ғўзанинг ривожи ўтган йилдагига нисбатан бирмунча орқада. Бу қолоқликни тугатиш учун колхозимиз пахтакорлари бутун чора-тадбирлар, имкониятларни ишга солмоқдалар. Июль ва август ойларида ғўза парваришини жадал суръатларда олиб борамиз. Бунинг учун етарли куч ва имконият бор. Мавсумда об-ҳаво ва ғўзанинг ҳолатига қараб экин камида 5—6 марта суғорилади. Айни кунларда 180 та сувчи шу иш билан банд. 47 культиватор билан ғўза қатор ораларига ишлов берилмоқда.

Хўжалигимиз пахтакорлари етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини машина ва механизмлар ёрдамида йиғиб-териб олишади. Бунга ҳозирданоқ мустаҳкам замин ҳозирланмоқда. Ғўзаларни машинабоп қилиб ўстиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Экинда 12—14 ҳосил шохи пайдо бўлгач, чеканкани ҳам бошлаб юборамиз.

Барча терим агрегатлари мавсумга тахт қилиб қўйилган.

Ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олишни режалаган деҳқонларимиз далаларда фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Саратонда сара ишлаб ҳосилга-ҳосил қўшмоқдалар.

О. ШЕРИНБЕТОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз бош агрономи.



РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

● **ҲОЗИРГИ кунгача областимиз хўжаликларида ғўза қатор ораларига олти марта ишлов берилди. Йиллик нормадаги азотли ўғитлар бериб бўлинди. Умуман шу кунгача 80 минг гектардан знёдроқ майдонда ёки жами пахтазорларнинг 60 процентида ҳар туп ғўзада ўртача 1—3 тадан кўсак бўлишига эришилди. Илғор хўжалик ва бригадаларда эса кўсакларнинг ўртача сони 3—4 тадан ошди.**

● **ПИЛЛАКОРЛАРИМИЗ бу йил зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этдилар. Ғаллакорларимиз давлатга 23 минг тоннага яқин дон сотиб белгиланган планни муваффақиятли бажардилар.**

● **ОБЛАСТИМИЗДА ҳозиргача 177 минг тонна сабзавот, 50 минг тоннага яқин картошка, 30 минг тонна мева тайёрланди. Шундан 66 минг тоннаси Тошкент шаҳри аҳолисига ,110 минг тоннаси умумиттифоқ фондига етказиб берилди.**

● **ОБЛАСТИМИЗДА дон учун маккажўхори экиладиган майдонлар муттасил кенгайиб бормоқда. Бу йил 30 минг гектар майдонга дон учун маккажўхори экилди. Шу кунларда маккажўхорикорларимиз парваришни кизғин давом эттириш билан бирга унинг ҳосилини тез ва нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.**

ЯНГИЙЎЛ районидаги Калинин номли колхознинг заршунослари ғўза парваришини намунали олиб боришяпти. Бу ерда, айниқса, ниҳолларни суғоришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Суратда: хўжаликнинг 2-бригадаси сувчиси Жалил Шодибоев ғўзаларга сув тарамоқда.

В. ПОРТНОВ фотоси.

ҚИШЛОҚДА КОЛЛЕКТИВ ПУДРАТИГА КЕНГ ЙЎЛ

САМАРАСИ ЯХШИ БЎЛЯПТИ

ПЎЛАТХЎЖА Тошхўжаев бошлиқ бригада аъзолари «Ленинобод» колхозида биринчи бўлиб коллектив пудрат усулида ишлашга ўтишган эди. Натижа яхши бўляпти. Интизом мустаҳкамланди. Ҳар бир бригада аъзосининг иш унуми ортди.

Бу йил коллектив аъзолари мавжуд 120 гектар пахта майдонидан 396 тонна ўрнига 600 тонна «оқ олтин» хирмони уйиш учун астойдил ҳаракат қилишяпти.

Колхоз правлениеси мазкур бригаданинг бир йиллик бюджетига 110 минг 350 сўм маблағ ажратган. Шундан 57394 сўми меҳнат ҳақига берилади. Агар бригада аъзолари зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажаришса, яна 42 минг 362 сўм қўшимча даромад олишади. Ана шунда колхозчиларнинг бир ойлик маоши 170—180, сувчиларники 240—250, механизаторларники эса 320—330 сўмни ташкил этади. Шунингдек, пландан ташқари давлатга сотилган маҳсулотдан келадиган даромаднинг 40 процентини, иқтисод қилинган маҳсулот қийматининг 50 процента устама мукофот тариқасида берилади. Қанчалик яхши ва сифатли меҳнат қилсалар натижа ва даромад шунчалик яхши бўлишини олдиндан билган деҳқонлар астойдил ишламоқдалар.

Айни кунларда механизаторлардан Саидраҳим Тошев ва Анорбой Бобожоновлар, колхозчилардан Назирахон Мансурова, Малика Абдуманнаева, Гулбуви Ортиқхўжаева ва Фотима Ҳамдамовалар ғўза парвариши бошқаларга намуна бўлаётирлар.

Шунингдек, Охунбобоев номли колхознинг Исмат Беркинбоев, Абдузоҳид Қўчқоров, Баҳром Эргашев ва Назира Нодирова бошлиқ бригадалари деҳқонлари ҳам пудрат усулида ишлаб мўл ҳосилга пухта замин ҳозирламоқдалар. Бу бригадаларда шу кунгача ғўзалар икки маротаба озиқлантирилди, тўрт марта комплекс ишлов берилди. Ҳозирда иккинчи сув тугалланмоқда.

П. ЭРГАШЕВ,
Қ. САИДИНОХУНОВ,
Оққўрғон райони.

ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ

КОММУНИСТИК партия ва совет ҳукумати қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни йил сайин кўпайтириш билан бирга меҳнаткашларнинг куч ва қобилиятларини тўла намоён этишлари учун катта имкониятлар яратиб беришга жиддий эътибор бераётирлар. Шу йилдан бошлаб пахтани янги оширилган нархда харид қилиб олишга ўтилиши бунга ёрқин мисолдир.

Пахта ҳосилини юқори нархда харид қилишда, биринчидан, пахта етиштирувчи хўжаликларнинг ҳамда пахтакорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, уларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш кўзда тутилган бўлса, иккинчидан, пахта ҳосилдорлигини ошириш, саноатимиз учун сифатли пахта толаси етказиб бериш вазифалари ҳам қўйилган. Бундан ташқари серҳосил, толаси узун ва пишиқ пахта навларини сақлаб қолиш, янги истиқболли навларни яратиш ва уларни кўпайтириш мўлжалланмоқда. Шу сабабли сифатли пахтанинг саноатимиз учун ниҳоятда зарурлигини ҳисобга олиб, унинг навлари ва сортларини бўйича турлича харид нархлари белгиланган. Пахтакорлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари сифатли тола берадиган навли чигитларни танлаб экишга алоҳида эътибор беришлари керак. Чунки бундай нав пахта ҳосили оширилган нархларда харид қилиб олинади, даромад ортади, хўжаликларнинг экономикаси мустаҳкамланади.

Пахтага ҳақ тўлашнинг янги системасига кўра ингичка толали ва ўрта толали навларга тўланадиган ҳақларни 20—35 процент кўпайтириш кўзда тутилган. Масалан бу йил янги тартибга мувофиқ «Тошкент-1», «АН-402» навли пахталарнинг биринчи сорти учун ҳар тоннасига ўртача 710 сўм, «АН-Самарқанд-2», «С-47-27», «Андижон-2» ва «Тошкент-6» навлари — 800 сўм, «138-Ф», «АН-Ўзбекистон-3», «Самарқанд-3» навлари —830 сўмдан харид қилинади. Енгил саноат учун ҳимматбаҳо хом ашё ҳисобланувчи ингичка толали пахта навларига қараб, биринчи сортининг ҳар тоннасига— 930 сўмдан 1830 сўмгача нарх белгиланган.

Ўзбекистон Давлат нарх комитети республика партия ва ҳукуматининг кўрсатмасига асосан пахтани янги нархда беш зонага бўлиб табақалаб харид қилишни жорий этди. Бунда хўжаликларнинг ер ва иқлим шароитлари, юқори ёки кам ҳосилли ҳамда иқтисодий рентабеллигининг ҳолати ҳисобга олинади. Чунки айрим хўжаликларнинг ери ҳосилдор, комплекс механизациядан мослашган, иқтисодий жиҳатдан бақувват. Баъзи хўжаликларда эса аксинча. Ерларн унумсиз, майда картоларга бўлинган, комплекс механизацияни жорий этиш анча қийин. Айрим пахта майдонлари тошлоқ, баланд-пастликлардан иборат ёки чўлдан янги ўзлаштирилган. Беш зонага бўлиб, табақалаб ҳақ тўлаш системаси ана шу тафовутларни аниқ ҳисобга олади. Бу мавжуд колхоз ва совхозлар ҳамда бошқа пахта етиштирувчи хўжаликларнинг тенг рентабеллик бўлишн, меҳнаткашлар моддий манфаатдорлигининг ошишини, социал-иқтисодий ўзгаришлар суръатини тезлаштириш имконини беради.

Тошкент области колхоз совхозларида пахтанинг асосан «Тошкент-1», «Андижон-2», «Уйчи-2», «Фарҳод», «Қизил-Ровот» ва бошқа навларн экилади. Шундан энг кўп экиладиганн «Тошкент-1» навидир. Биринчи зонага кирувчи хўжаликлар шу навли пахтанинг ҳар тоннасини давлатга 780 сўмдан сотадилар. Бу эса биринчи зона учун белгиланган эски нархдан 231 сўм ортиқдир.

Иккинчи зонага кирувчи хўжаликлар пахтаси эски нархга нисбатан 215 сўм, учинчи зонага кирувчи хўжаликлар 194 сўм, тўртинчи зонага кирувчи хўжаликлар 154 сўм, бешинчи зонага кирувчи хўжаликлар пахтаси 124 сўм ортиқча нарх билан харид қилинади. Тошкент области бўйича икки хўжалик биринчи зонага, етти хўжалик иккинчи зонага, 53 хўжалик учинчи зонага, 35 хўжалик тўртинчи зонага, 14 хўжалик эса бешинчи зонага киритилган. Демак, область бўйича колхоз ва совхозларнинг аксарият кўпчилиги яъни 111 хўжаликдан 88 таси учинчи ва тўртинчи зонага мансубдир. Тахминий қилинган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, областнинг пахта етиштирувчи хўжаликлари бу йил пахтанинг ўтган йили экилган навларидан қарийб 17—18 миллион сўм ортиқча даромад оладилар.

Шундан кўриниб турибдики, эндиликда пахтакор хўжаликларнинг даромадлари йил сайин ортиб боради. Уларда юқори сифатли пахта навини экишга қизиқиш ортади. Колхоз, совхозларнинг экономикаси мустаҳкамланиб бораётганлиги муносабати билан қишлоқларда уй-жой ва социал объектлар қуриш кўлами кенгаяди, суръати тезлашади.

Бироқ, бунга осон йўл билан эришиб бўлмайди, албатта. Пахтакорлардан, қишлоқ хўжалик мутахассисларидан комплекс механизацияни тўла жорий этиш, фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, селекционерларимиздан эса пахтакорлар билан ҳамкорликда ижодий ва амалий иш олиб бориш талаб этилади. Ана шундагина мўл, сифатли, арзон пахта етиштириб, катта иқтисодий самарага эришилади. Мўл ва арзон пахта етиштириш учун эса аввало ғўзани юксак агротехника тадбирлари асосида парвариш қилиш, ҳосил тўла пишиб етилгандан сўнггина теришга киришиш лозим бўлади.

Бу йил жорий эткладиган янги давлат стандартини, унинг талабларини пахтакор хўжаликларнинг бўлим бошлиқлари, бригадирлар, бухгалтер ва экономистлар, умуман пахта етиштириш билан банд бўлган барча меҳнаткашлар тўғри ва тўла тушуниб олишлари зарур. Бизнингча, бу ишни аниқ график асосида семинарлар ўтказиш йўли билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини қабул қилиб олиш, уни сақлаш, қуритиш ва тозалаш, истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш, топширилган пахта учун хўжаликларга янги нарх бўйича тўғри ҳақ тўлаш «Заготхлопкопром» область бирлашмаси ва унинг жойлардаги корхоналарида чуқур масъулият ҳис қилган ҳолда ташкилотчилик ишларн олиб бориш талаб этилади. Бу масъулиятли, шу билан бирга шарафли вазифани тўғри амалга ошириш учун бир қатор тадбирлар ҳал этилмоқда. Масалан, яқинда Алмиқентда пахта тозалаш заводлари, пахта тайёрлаш пунктларининг бухгалтерлари, пункт мудирлари, катта лаборантлар, классификаторлар ва пахтани қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлашга алоқадор бўлган бошқа мутахассисларнинг область кенгаши бўлиб ўтди.

Бир сўз билан айтганда ҳамма ерда—пахта тозалаш заводлари ва қабул пунктларида янги ҳосилни янги нарх системаси билан қабул қилиб олишга ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

А. АКБАРОВ,
Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрининг ўринбосари.

ДАРОМАД СИФАТГА БОҒЛИҚ

ПАХТАНИ БЕШ ЗОНАГА БЎЛИБ ЯНГИ НАРХДА ТАБАҚАЛАБ ХАРИД ҚИЛИШ (ЎРТА ТОЛАЛИ ПАХТА НАВЛАРИ БЎЙИЧА)

Пахтанинг сорти ва нави	Янги нарх (зоналар бўйича)					Эски нарх (зоналар бўйича)		
	1-зона	2-зона	3-зона	4-зона	5-зона	1-зона	2-зона	3-зона
1. «Оқ олтин», Фарҳод 149-Ф, 175-Ф, Тошовуз-17, С-2606	935	895	850	810	765	629	610	596
2. 138-Ф, АН-Ўзбекистон-3, Самарқанд-3	910	870	830	790	750	629	610	596
3. Қизил-ровот, Уйчи-2, АН-Самарқанд-2	890	850	810	770	730	594	575	561
4. 108-Ф, Регар-1, Регар-34, Андижон-2, Тошкент-6, Қирғиз-2, С-4727, Чимбой-160, Чимбой-3010	870	830	800	750	710	579	560	546
5. Тошкент-1, АН-402	780	745	710	670	640	549	530	516

ПАХТА БИЛАН ЁНМА-ЁН

БРИГАДАМИЗДА ҳосилдорлик йилдан-йилга ортиб боряпти. 1982 йилда ҳар гектар ердан 52 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олдик. Ҳосилнинг деярли ҳаммаси юқори сортларга сотилди. Ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида гектаридан камида 55 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдамиз. Пахтадан кўнглимиз тўқ. Ҳар туп ғўзада мажбуриятга яраша ҳосил тўпланмоқда.

Биз эндиликда чорвачиликни ҳам жадал ривожлантириш чораларини кўряпмиз. Бунинг учун етарли имкониятлар бор. Йил бошида давлатга эҳтиёждан ортиқча 5 тонна гўшт топширишга аҳд қилганмиз. Шубҳасиз, бу мажбурият зиммамизга катта масъулият юклайди.

Айни кунда дала шийпонимиз яқинидаги «кичик ферма»мизда ўн бош қорамол парвариш қилинмоқда. Яқин орада парранда боқишга киришилади. Киш ойида бригадамиз аъзоларининг ташаббуси билан шийпон ёнидаги ҳовузни кенгайтирдик. 200 квадрат метр майдонни ташкил этган бу ҳовузга эрта баҳорда мингга яқин оқ Амур балиғи қўйилди. Ҳозир уларнинг оғирлиги 1,5—2 килограммни ташкил этмоқда. Ҳафтанинг бир кунида тушлик учун балиқдан мазали таомлар тайёрланмоқда. Ўтган ярим йил ичида эҳтиёжимиздан ташқари қарийб 2700 килограмм гўшт давлатга топширилди. Гўштга топширилган бўрдоқиларнинг тирик вазнини 450—460 килограммга етказмоқдамиз.

Албатта, чорвачиликни ривожлантириш учун мустаҳкам озуқа базаси яратиш лозим. Бригадамиз аъзолари бу масалага ҳам катта эътибор бермоқдалар. Ариқ ёқаларига, дала шийпони атрофига маккажўхори, хашаки лавлаги ва бошқа озуқабоп экинлар экилди. Ариқ бўйларидаги қамишлар ва бегона ўтлардан дағал хашак тайёрланмоқда.

Пахта билан ёнма-ён бу йил сабзавот ва бошқа резаворлар, картошка етиштирилмоқда. Шийпонимизни безаб турган ишкомлардаги узумлар кўзни қамаштиради. Яқин келажакда «кичкина» боғ ташкил этамиз. Бир сўз билан айтганда, бригадамизда меҳнат қилаётган кишилар учун ҳамма нарса ўзимиздан чиқади.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми материалларини ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг шу Пленумдаги нутқини зўр қизиқиш билан ўрганиб чиқдик. Унда меҳнаткашларга иш жойларида унумли меҳнат қилишлари учун янада яхши шарт-шароит яратиш, маданий-маиший хизмат турларини ривожлантириш кераклиги алоҳида таъкидланган. Биз Пленум қарорлари асосида ишни қайтадан ташкил этяпмиз. Ҳар бир кишининг юксак унум билан ишлаб, яхши ҳордиқ чиқариши учун барча шароитларни яратяпмиз. Дала шийпонини деҳқоннинг ҳақиқий уйига айлантиряпмиз.

А. ДУШАБОЕВ,
Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг бригада бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган пахтакор.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

МУҲАЙЁ Гизатуллина (чапда) ва Роза Раҳимова Калинин районидаги Куйбишев номли колхозининг пешқадам сут соғувчиларидан. Бу икки дугона ўзаро мусобақалашиб кундан кунга сигирлардан мўл ва сифатли сут соғиб олмоқдалар. Улар ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида ҳар бир говмушдан пландаги 3500 килограмм ўрнига 4500 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилишган.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси. (ЎзТАГ).



СУТ СОҒУВЧИЛАР КОНКУРСИ

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти «Красний водопад» экспериментал базасида машинада сут соғиш усталарининг республика конкурси бўлиб ўтди. Конкурсда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон АССРдаги барча областларнинг вакиллари иштирок этишди.

Конкурс якунларини чиқариш вақтида ўтган йили эришилган ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, агрегатларни ажратиш ва йиғиш, сут соғиш учун сарфланадиган вақт, иш ўрнининг санитария ҳолати, сутнинг тозалиги ҳисобга олинди. «Тандем» установкасида сут соғиш бўйича «Красний водопад» экспериментал базасининг сут соғувчиси Ризо Суюнов биринчи ўринни эгаллади. Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан Тўхтамурод Тошева иккинчи ўрин, «Красний водопад» экспериментал базасидан Раҳима Жалилова учинчи ўрин берилди.

Самарқанд районидаги М. Горький номли совхоздан Ҳабиба Исоқова биринчи ўринни, Тошкент область «Чиноз» наслчилик совхозтехникумидан Раҳим Содиқов иккинчи ўринни, Тошлоқ районидаги «Партия XXII съезди» совхозидан Жаннат Мамажонова учинчи ўринни эгаллаб, линей қурилмасида сут соғиш конкурсида ғолиб бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ҒЎЗА КЎСАКЛАЙ БОШЛАДИ

ҒАЛАБА районидаги «Победа» колхозининг В. Дюгай етакчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан 52 центнердан ҳосил олиб, жами 476 тонналик «оқ олтин» хирмони уйиш учун астойдил ҳаракат қилишяпти.

Шу кунгача барча майдонлардаги ғўза қатор ораларига тўрт марта комплекс ишлов берилди, икки марта озиқлантирилди. Ҳозирда тўла гулга кирган олди ғўзаларда кўсаклар пайдо бўла бошлади. Экинлар парваришида Ғани Нурмуҳамедов бошлиқ механизаторлар звеноси алоҳида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаяпти.

Шунингдек, «Заря коммунизма» колхозининг Ж. Тўхсанидов бошлиқ бригадасида ҳам ғўза парвариши намунали йўлга қўйилган. Бу йил мазкур коллектив аъзолари мавжуд 118 гектар пахта майдонидан 43 центнердан ҳосил олиш учун курашишяпти.

Х. ЗОКИРОВА.

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИ ҲАЁТИДАН

«БАЁТ» ВОЛГОГРАДГА БОРАДИ

Тошкент шаҳрининг 2 минг йиллик юбилейига барча ижодий коллективлар қатори Октябрь район маданият уйининг «Баёт» ашула ва рақс ансамбли ҳам қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Санъаткорларнинг концерт программаларида навқирон шаҳримизнинг кўркам жамоли, унинг меҳнаткаш инсонлари, дўстлик ва тинчлик ғояларини тараннум этувчи қўй ва қўшиқлар кенг ўрин олмоқда.

«Баёт» коллективи ана шу қўшиқлар гулдастасини волгоградлик санъат ихлосмандларига тақдим этиш учун ижодий сафарга жўнаб кетиш арафасида турибди. Бу ҳақда ансамблнинг бадиий раҳбари Азим Азизов қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ансамблимиз ташкил этилганлигига 13 йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида санъаткорларимиз тинимсиз изланишлари туфайли бир мунча муваффақиятларга эришиб, халқ эътиборини қозондилар. Ансамблимизга «Халқ ҳаваскорлик коллективи» унвонининг берилиши ёшларимизнинг ўз маҳоратларини ошириш йўлидаги машаққатли меҳнатларининг самараси бўлди. Бундан ташқари, коллективимиз қатнашчилари 1980 йилда Польшада ўтказилган тўққизинчи халқаро фольклор санъати фестивалида ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Болгария, Италия, Ҳиндистон каби кўпгина мамлакатлар санъаткорлари билан бўлган ижодий баҳсда ўзбек халқи санъатини ўзига хос оҳангда тараннум этишди. Концерт программамиз номерларининг ранг-баранглиги билан томошабинлар олқишига сазовор бўлиб, мусобақада биринчи ўринни олдик ҳамда фестиваль олтин медалининг совриндори бўлдик.

Коллективимиз 60 га яқин санъат ихлосмандларидан ташкил топган. Уларнинг аксарияти студент-ёшлардир. Ёшларимиз ижросидаги интернационализм ғоялари билан йўғрилган қуй ва қўшиқлар мамлакатимиз ва чет эллик қўшиқ шинавандаларига ҳамиша манзур бўлмоқда. Уч марта Москва шаҳрида ҳисобот концерти беришимиз, Болтиқбўйи республикалари, Ноқоратупроқ ўлка шаҳарларида санъатимизни намойиш этганлигимиз бизга ҳамиша илҳом ва завқ-шавқ бағишлаб туради.

Гастроль программамизда севимли шаҳримизни мадҳ этувчи қўшиқлар анчагина. Бу қўшиқларнинг «Тошкент мадҳи», «Тошкент элчиси», «Тошкент ҳосили», «Тошкент гуллари» деб номланиши ҳам бежиз эмас.

Қаҳрамон шаҳарда кўрсатиладиган программамизнинг иккинчи қисми эса ҳарбий йиллар руҳини акс эттирувчи қўшиқлар ва рақслардан иборат. Абдуқаҳҳор Султонов, Зумрад Холиқова, Абдураззоқ Восиқов сингари хушовоз хонандалар бу қўшиқларни маромига етказиб ижро этиш учун қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

Сафар давомида миллий қўшиқ ва рақслар билан бир қаторда қардош республикалар санъати дурдоналаридан намуналар ижро этишга алоҳида аҳамият берамиз. Жумладан, тожикча, афғонча, туркманча ҳамда полякча рақслар, қўшиқлар тайёрлаганмиз.

Август ойида Волгоград шаҳридан «Молодость» ансамбли бизга меҳмон бўлиб келади. Биз меҳмонларимиз билан биргаликда пойтахтимизнинг қатор ишлаб чиқариш корхоналарида, меҳнат коллективларида ва ансамблимиз оталиғидаги Жиззах область Дўстлик райони пахтакорлари даврасида ўз маҳоратимизни синовдан ўтказамиз.

Д. ВАЛИХЎЖАЕВА.





Суратларда: ансамбль санъаткорлари репетиция пайтида. З. Холиқов фотолари.

ВЕТЕРАНЛАРНИ ТАНИШТИРАМИЗ

ГВАРДИЯЧИЛАРДАН БИРИ

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган отахон эл ҳурматига сазовор бўлган кишилардан. У қарийб ярим асрлик ҳаёт фаолиятини ҳарбий ишларга бағишлади.

Янгийўл районидаги Ниёзбошн қишлоғида туғилиб, отасиз етимликда кўп машаққатларни бошидан кечириб юрган болакайнинг тақдирини совет тузуми белгилаб берди. У болалар уйида ўқиб, тарбия топди.

Қорнини тўқ, эгнини бутун қилган, билим знёсидан баҳраманд этган тузум хизматига бел боғлаш, унинг душманларига қарши курашни Оллоберди Қўчқоров ёшликдан кўнглига тугиб қўйган эди.

Шунинг учун ҳам катта йўл бўсағасига чиқиши билан сира иккиланмай қизил аскарлар сафига ёзилди. 1929 йилда Самарқанд шаҳридаги миллий отлиқлар бригадасида хизмат қила бошлади. Шу орада махсус курсни тамомлаб, пулемётчилар ротасида взвод командири ёрдамчиси вазифасини ўтай бошлади. Хоразм воҳаси ва Амударё ён-атрофидаги қишлоқ-овулларини босмачи газандалар тўдасидан тозалашда фаол иштирок этди.

Жангу-жадалларда чиниққан Оллоберди кейинчалик ўз ҳаётини бутунлай ҳарбий ишга бағишлади. 1938 йилда Тошкентдаги ҳарбий офицерлар тайёрловчи билим юртини битиргач, Шарқий Қозоғистоннинг бир қатор районларида ҳарбий комиссариатлар тузиш ишларига бош-қош бўлди.

Немис-фашист босқинчилари мамлакатимиз муқаддас тупроғига қора ўлатдек бостириб кирганда кўплаб ҳарбий мутахассислар қатори О. Қўчқоров ҳам эл-юрт тақдири ҳал бўлаётган олдинги марраларга юборилди. У ҳамиша ўз бўлинмасидаги пулемётчиларни жангга руҳлантириб, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсата билди...

Оллоберди аканинг урушдан кейинги йиллардаги ҳарбий фаолияти ҳам Ватанга садоқат руҳи билан йўғрилган. У Новосибирск ва Бухоро областининг бир неча районлари ҳарбий комиссариатларида ишлаб, Совет Армияси сафларини муносиб кадрлар билан таъминлаш ишига баракали ҳисса қўшди.

Бугунги кунда собиқ ҳарбий комиссар, истеъфодаги подполковник Оллоберди Қўчқоровнинг кўксида Ленин ордени, жанговар Қизил Байроқ ва Қизил Юлдуз орденлари ҳамда ўнга яқин медаллар порлаб турибди. Улар отахоннинг умри зое кетмаганлигидан, эл-юрт ташвишини чеккан кишиларнинг меҳнатлари ҳамиша ўз қадри-қимматини топишидан далолат бераётгандек. Отахон ҳамон меҳнат қилишдан толмайди. Пойтахт шаҳримизнинг Собир Раҳимов районидаги Қаҳрамон маҳалласи жамоат ишларида актив иштирок этиб келмоқда. У тенгдошларининг ҳамдард, ҳамкор дўсти, ёшларнинг доно маслаҳатчиси сифатида маҳалла аҳлининг ҳурмат-иззатида.

Ҳ. ҲАКИМОВ.

Реклама ва эълонлар

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

М. ҲАЙРУЛЛАЕВ асари

«КЕТАР ЖАФОСИ»

Постановкачи режиссёр — Р. ҲАМИДОВ.

РОЛЛАРДА:

Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР давлат мукофотининг лауреати С. ТАБИБУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Р. ИБРОҲИМОВА, М. ОРИПОВ, Ж. ТОЖИЕВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Т. ХОНТЎРАЕВ, Т. ЮСУПОВА, Т. ТОЖИЕВ, О. ЮНУСОВ, Р. ЕҚУБОВ, Ҳ. ЮНУСОВ.

Артистлар: Э. КОМИЛОВ, М. ОРИПОВА, Ж. ЗОКИРОВ, Г. ҲАКИМОВА ва бошқалар.

ТОВАРЛАР — ХАЛҚҚА

«СВИТЯЗЬ» СЕҲРЛИ ФОНАРДИР

«СВИТЯЗЬ-АВТО» диапроектори давримизнинг сеҳрли фонари бўлиб, «СВИТЯЗЬ-М» моделидан диапозитивларнинг чидамли пульти ёрдамида автоматик тарзда ишлаши билан ажралиб туради. Шунингдек, объективининг созланиши ҳам содда тузилган.

Диапроекторлар размери 50х50 мм. ли стандарт рамкадаги формати 24х36 ва 18х24 мм. ли диапозитивларни намойиш қилишга мўлжалланган.

«СВИТЯЗЬ-М» моделида махсус приставка ёрдамида диафильмларни кўрсатиш ҳам мумкин.

Баҳоси: «СВИТЯЗЬ-М» — 80 сўм, «СВИТЯЗЬ-АВТО» — 182 сўм.

«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА САВДО ТАШКИЛОТИ.
«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ 31-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ўқув йили учун

15, 16, 17 ва ундан катта ёшдаги йигитларни ва Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Қўлда пайвандловчи электр пайвандчи, токарь. Ўқиш муддати 6 ой. Ҳар ойда 62 сўм стипендия берилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати 1 йил (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади, ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади).

Электровоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз машинисти ёрдамчиси. Ўқиш муддати—1,5 йил. Фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади, ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

Тепловоз машинисти. Ўқиш муддати—2 йил. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади, ҳар ойда 72 сўм стипендия берилади.

Электровоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз, электровозининг электр ускуналари ремонти бўйича слесарь-электрик, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь; турли жиҳозлар бўйича токарь, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, электр-газ пайвандчи, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь. Ўқиш муддати—3 йил. 8-синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади.

Билим юртида 3 йил ўқиганлар ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Бошқа шаҳарликларга ётоқхона берилади.

Билим юртини тугатганлар темирйўлчилар учун белгиланган имтиёзларнинг ҳаммасидан фойдаланадилар. Жумладан, Совет Иттифоқининг хоҳлаган шаҳарига бепул бориб-келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши шарт: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси ёки эмланганлиги ҳақидаги медицина карточкаси, характеристика, ариза, таржимаи ҳоли, 3х4 см. ҳажмдаги 8 дона фотосурат.

Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700074, Тошкент шаҳри, 74-алоқа бўлими, Ҳамза райони, Слоним кўчаси (15, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати, 72, 48, 80-автобусларнинг «Котельная» бекати). Телефон: 96-34-90.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ Н. И. ВАВИЛОВ НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ қишлоқ хўжалик экинлари уруғини сақлаш ва технологияси бўйича кичик илмий ходим вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — 30 ИЮЛГАЧА

Мурожаат учун адрес: Тошкент область Оржоникидзе район «Ботаника» алоқа бўлими.

ТЕАТР

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15[VII да Дилафрузга тўрт ошиқ.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги коллективи министрликнинг кекса ходимларидан бири, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

СУЛТОН-ШУКУРнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ДУТОРСОЗ

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ УСТАЛАРИ

ҲАЛҚ санъати усталари уюшмасининг бадиий кенгаши борарди. Навбат дуторни қабул қилишга келганда кандакор Масъуд уни оҳиста чертиб кўриб: «Қайси устанинг иши экан, қўлингга олмасдан сайрайман дейдиган», деб сўради ва «Мунажот»ни эшиб қўйди. Даврадагилар ҳузур қилишди. Баъзилар нафис ясалган дутор қўлдан-қўлга ўтди, баъзилар чалишни билишмасада, уни ўзларича бир чертиб қўйишар, садаф ва суякдан қадалган безакларини ҳавас билан томоша қилишарди. Дутор манзур бўлиб, кимдир устасини суриштирди. Унга «Уста Сиддиқ» деб жавоб қайтаришди...

Ҳа, яқин кечмишимизнинг номдор дуторсози уста Усмоннинг ўрнини қобил фарзандларидан бири Сиддиқ Зуфаров эгаллаб келмоқда. Ҳозиргина ҳунар усталарининг қалбига ором бағишлаган дуторнинг ижодкори ана шу ўғил эди. Дутор баҳона янги дуторсоз билан ҳамсуҳбат бўлиш иштиёқи тинчлик бермади менга. Унинг хонадонига йўл олдим...

Оҳанграбо мусиқа сеҳрини яратган хонадон соҳиби бизга пешвоз чиқди.

— Қани, ичкарига марҳамат, бир танбурни ясаб бўлганман, қолганини камиданам тинглайсизлар, — деб устахонага таклиф қилди. Баланд бўйли, чорпаҳилдан келган, кулча юзли, мўйлаби ўзига яраша турган Сиддиқжонга эргашдик. Устахонаси мўъжазгина экан, Пештахтанинг таги юпқа-юпқа қилиб тайёрланган тут ҳамда ўрик тахтачаларига тўла. Иччамгина токчада дастабоп ўрик ёғочлари ўрамлаб қўйилган. Пештахтанинг ўнг чеккаси ва ошхонанинг ўнг чеккаси ва ошхонанинг ўнг чеккаси ва ошхон